

"ТАСДИҚЛАНГАН"
Хусусий
акциядорлик-тижорат банки
"Универсал банк" Кенгашининг 2015 йил
6 февралдаги мажлиси қарори

Банк Кенгаши раиси

А.А.Ирчаев



"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Ўзбекистон Республикаси
Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги
Қимматли қозғалар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази Бош директори

Б.А. Атаханов

2015 йил « 13 » апрел

Рўйхат № Р0482-10

М.Ў.

"КЕЛИШИЛГАН"
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
Раисининг биринчи ўринбосари

У.М.Мустафоев

2015 йил " 16 " сентябр

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

Эмитент - Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк"

Идентификация рақами
берилди:

R	U	1	1	0	P	0	4	8	2	R	6
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, номинал қиймати 5 000 (беш минг) сўм бўлган 800 000 (саккиз юз минг) дона оддий акциялар.

Акцияларни жойлаштириш усули - очиқ обуна орқали.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши 10 (ўнинчи) чиқарилишдир.

Тасдиқланган: Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк" Кенгашининг 2015 йил 6 февралдаги (Кенгаш йиғилишининг 2015 йил 6 февралдаги 25-сонли йиғилиш баёни) мажлиси қарори.

Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк" Кенгашининг 2015 йил 6 февралдаги мажлисида акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисида қарор қабул қилинган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефонлари:

Кўкон шаҳар Шохруҳобод кўчаси. Мулоқот телефонлари: (373)-229-82-29, (373)-542-05-78

ХАТБ "Универсал банк"
Бошқаруви раиси

З.К.Тўракулов

ХАТБ "Универсал банк"
Бош бухгалтери

О.А.Пўлатов



Мухр

Сана: 2015 йил " 6 " феврал

Universal Bank

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: хужжатсиз.
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): 5 000 (беш минг) сўм.
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): 800 000 (саккиз юз минг) дона.
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўм.
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

-оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга ва банк уставига мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши;

- банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

- банкни бошқаришда иштирок этиш;

- банк уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни сугурталаш ҳуқуқига эга.
- акциядорлар қонунчиликда ва банк уставига назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан банк уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

мазкур чиқарилиш доирасидаги акциялар бошқа банкларга жойлаштирилишига йўл қўйилмайди.

юридик ёки жисмоний шахс ёхуд ўзаро келишув билан боғланган ёки бир-бирининг мол-мулкни назорат қилувчи юридик ва жисмоний шахслар гуруҳи томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида банкнинг шакллантирилган устав капиталининг беш фоиздан ортиғига эгалик қилинса, бу ҳақда Марказий банкка хабар берилиши лозим. Устав капиталининг йигирма фоиз ва ундан ортиқ бўлган улушига эгалик қилиш учун Марказий банкдан олдиндан розилик олиниши талаб этилади.

Марказий банкнинг розилиги олинган улуш миқдорини ошириш учун Марказий банкдан такроран олдиндан розилик олиниши лозим.

Банк акцияларини сотиб олиш учун қуйидаги шахслар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг олдиндан рухсатини олишлари шарт:

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари;

Эллик фоиздан ортиқ акциялари (иштирокчилар бадаллари) Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг эгалигида, фойдаланувида ва (ёки) тасарруфида бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари - юридик шахслари;

Қуйидаги шахслар банк акциядорлари бўла олмайдилар:

оффшор ҳудудларда рўйхатга олинган норезидент юридик шахслар;

оффшор ҳудудларда истикомат қиладиган чет эл фуқаролари;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, жамоат фондлари, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, агар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолатлар кўзда тутилмаган бўлса.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): 16 643 400 000 (ўн олти миллиард олти юз қирқ уч миллион тўрт юз минг) сўм.

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): Банк томонидан жами 3 328 680 (уч миллион уч юз йигирма саккиз минг олти юз саксон) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар жойлаштирилган.

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): корпоратив облигациялар жойлаштирилмаган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):

(Ёпиқ обуна бўлган тақдирда, шунингдек, акцияларни потенциал олувчилар доираси ҳам кўрсатилади).

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилаётган акциялар очиқ обуна орқали жойлаштирилади.

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

(Кўрсатилади: акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси ва тугатиш санаси ёки акцияларни жойлаштириш муддатини белгилаш тартиби.

Агар акцияларни жойлаштириш муддати акцияларни чиқарилиши тўғрисидаги бирон-бир ахборотни ошкор қилиш санасини кўрсатган ҳолда белгиланса, шунингдек, бундай ахборотни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади.)

Чиқарилаётган акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси - Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар банк томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган санадан кейин 15-кун.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – Мазкур чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун. Бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, мазкур чиқарилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат кўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази томонидан давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 365 кундан ошмаслиги лозим.

Мазкур чиқарилиш тўғрисидаги ахборот қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтига, “Тошкент” Республика фонд биржасининг веб-сайтига (www.uzse.uz) ва банкнинг расмий веб-сайтига (www.universalbank.uz) жойлаштириш орқали ошкор қилинади.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

(Кўрсатилади: акциялар жойлаштирилишининг боришида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузилишининг тартиби ва шартлари, жойлаштириш амалга ошириладиган бозорлар.

Агар эмитент томонидан акцияларни жойлаштириш эмитентга акцияларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларини (андеррайтерлар) жалб қилиш билан амалга оширилса, ҳар бир бундай шахс юзасидан қўшимча равишда қуйидагилар кўрсатилади:

тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

профессионал фаолиятни амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган;

ушбу шахснинг асосий вазифалари, агарда эмитент ва унга қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатувчи шахс ўртасидаги шартномада шу каби шартнома билан белгиланган муддатларда жойлаштирилмаган акцияларни охириги томонидан ўз ҳисобидан олиниши назарда тутилган бўлса, шунингдек, ушбу муддат ва уни белгилаш тартиби.)

Мазкур чиқарилиш доирасидаги акциялар қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва (ёки) уюшган биржадан ташқари бозорида инвесторлар билан фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш йўли билан жойлаштирилади. Акциялар очиқ обуна орқали жойлаштирилади. Уюшган биржадан ташқари бозордаги битимлар қонунчиликда ўрнатилган тартибда амалга оширилади. “Тошкент” РФБда амалга ошириладиган битимлар ушбу Биржанинг савдо қоидаларига мувофиқ амалга оширилади. Акциялар банк томонидан мустақил жойлаштирилади, андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эгасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

Банк акцияларини сақлаш қонунчилиқда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади. Банк акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобини юритиш, хизмат кўрсатувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида вакиллик ҳисобварагини очган депозитарий томонидан амалга оширилади. Реестрларни шакллантириш Марказий рўйхатга олувчи вазифасини бажарувчи Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан амалга оширилади.

Марказий рўйхатдан ўтказувчи ҳақида маълумот:

Номи – Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси;

Жойлашган манзили ва почта манзили – 100000, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй;

Телефон – (371)236-14-33;

Лицензия – мавжуд эмас;

Ташкилий – ҳуқуқий шакли – Давлат унитар корхонаси.

Банк акцияларига бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширадиган депозитарий ҳақида маълумот:

Номи – «BIRINCHI BANKLARARO DEPOZITARIY» масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган манзили ва почта манзили – Тошкент шаҳри, Хамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уй;

Телефон – (371)233-29-07;

Лицензия - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2003 йил 10 ноябрда берилган 739 – рақамли лицензия;

Амал қилиш муддати – Чекланмаган;

Ташкилий – ҳуқуқий шакли – Масъулияти чекланган жамият.

Номи – «Ишонч ЛТД» масъулияти чекланган жамияти;

Жойлашган манзили ва почта манзили – Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 35-уй;

Телефон – (373)244-48-82;

Лицензия - Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 2007 йил 16 июлда берилган 783 – рақамли лицензия;

Амал қилиш муддати – Чекланмаган;

Ташкилий – ҳуқуқий шакли – Масъулияти чекланган жамият.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

(Жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилган тақдирда қуйидагилар кўрсатилади:

бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани белгилаш тартиби);

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш эҳтимоли тўғрисида билдириш тартиби;

жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби.)

Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби қўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

(акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.

Агар акцияларни жойлаштиришда акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ тақдим этилса,

кўшимча равишда бундай имтиёзли ҳуқуққа эга шахсларга баҳо ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби кўрсатилади.)

Мазкур чиқарилиш доирасида чиқарилган акциялар бозор нархида лекин номинал қийматидан паст бўлмаган баҳода жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

(Акцияларни тўлаш шартлари, тартиби, шу жумладан ҳисоб-китобларнинг шакли, кредит талонхизматларининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, уларнинг жойлашган жойи, акциялар тўланганига келиб тушадиган пул воситалари кўчирилиши лозим бўлган ҳисобварақларнинг банк реквизитлари, тўлов шохобчаларининг манзили (нақд пул шаклида тўланганда).

Акциялар пул бўлмаган воситалар билан тўланган тақдирда акциялар тўланиши мумкин бўлган мол-мулк, тўлов шартлари бундай тўлов шароитида расмийлаштириладиган ҳужжатлар (мол-мулкни қабул қилиш - топшириш далолатномаси ва ҳоказо) билан, шунингдек, бундай мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун жалб қилинадиган баҳоловчи (баҳоловчилар) тўғрисидаги қўйидаги маълумотлар кўрсатилади:*

баҳоловчининг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номлари, жойлашган жойи;

баҳолаш фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг рақами, берилган санаси ва лицензиянинг амал қилиш муддати, кўрсатилган лицензияни берган орган.)

Акциялар учун тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси ҳамда эркин конвертация қилинадиган валюталарда ҳам амалга оширилади. Акцияларни жойлаштириш жараёнида акциялар учун тўловлар фақат пул маблағлари билан амалга оширилади. Тўловлар қимматли қоғозларнинг биржа бозори ва уюшган биржадан ташқари бозорларининг савдо қоидаларида белгиланган тартиб ва шартларда амалга оширилади. Банкнинг кўшимча акцияларига ушбу акцияларни жойлаштириш муддати ичида тўлиқ ҳақ тўланиши лозим.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас):

Мазкур чиқарилишда қайд этилган акциялар ҳажмининг 30 фоизидан кам бўлган улуши жойлаштирилган тақдирда, ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб тан олинади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун тўланган пул маблағларичиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб 10 календарь кун ичида қонунчиликда белгиланган тартибда ўз эгаларига қайтариб берилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (кўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Акцияларнинг кўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва мазкур чиқарилишга доир эмиссия рисоласининг асл нусхаси билан Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчасида жойлашган Хусусий акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк"да, нусхалари билан банкнинг Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси 32-уйда жойлашган Тошкент филиалида танишиш мумкин.

Банк томонидан эмиссия рисоласини кўриб чиқиш учун ҳеч қандай тўловлар олинмайди ва ҳеч қандай дастлабки шартларсиз ва аризасиз эмиссия рисоласини таништириш учун инвесторларга тақдим этилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда оммавий ахборот воситаларида, шунингдек фонд биржасининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

13. Бошқа маълумотлар.

Эмитентнинг рўйхатга олинган рақами ва санаси: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида "Қўқонбанк" хусусий ёпик акциядорлик тижорат банки номи билан 2001 йил 20 мартда 68 - рақам билан рўйхатдан ўтган. Банкнинг номи хусусий очик акциядорлик тижорат банки "Универсал банк" номига ўзгартирилиши муносабати билан 2002 йил 25 майда 68-рақам билан ва банкнинг манзили ўзгартирилиши муносабати билан 2011 йил 20 декабрда 68-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қайта рўйхатдан ўтган, шунингдек банкнинг номи хусусий

акциядорлик-тижорат банки "Универсал банк" номига ўзгартирилиши муносабати билан 2014 йил 4 августда 68-рақам билан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида қайта рўйхатдан ўтган.

Лицензия рақами: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2014 йил 4 августда 68-сонли Банк операцияларини амалга ошириш учун лицензия берилган.

ХАТБ "Универсал банк"- тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қўйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширади:

юрidik ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваққал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар Бош бошқармасининг Ҳисоб-китоб касса марказида очилган вакиллик ҳисобварағи 10301000700000973001, Банк коди 00973.

Банкнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти.

Банкнинг юридик ва почта манзили: 150700, Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Қўқон шаҳар, Шохрухобод кўчаси.

Солиқ органининг номи ва СТИР коди: Қўқон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси, СТИР 203556638.

2006 йил 11 майда Фарғона вилояти Қўқон шаҳар статистика бўлими томонидан Давлат статистика органлари томонидан умумдавлат техник иқтисодий маълумотлари таснифлагич ҳос рақамлари тўғрисида 41-сонли гувоҳнома берилган.

Ҳос рақами (ОКПО)	18017857
ХХТУТ бўйича асосий фаолият тури	96120
МШ бўйича мулкчилик шакли	144
ТХШ бўйича ташкилий ҳуқуқий шакли	1150
Манзили бўйича МХОБТ тўлиқ ҳос рақами	1730405

Faint, illegible text from the reverse side of the document, appearing as bleed-through.



Тикилган, рақамланган

(10072) варақдан иборат

Бошқарув Рани

Бош бухгалтер



(Handwritten signature)